

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАМАЛОВА ДИЛДОРА ГАЙРАТОВНА**

**ЖИНОЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
УНИНГ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология.  
Жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик диссертацияси (PhD) автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD)**

**Камалова Дилдора Гайратовна**

Жиноятга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари ва унинг учун жавобгарликни такомиллаштириш.....5

**Kamalova Dildora Gayratovna**

Characteristics of preparation for crime and improvement of the criminal responsibility.....23

**Камалова Дилдора Гайратовна**

Особенности приготовления к преступлению и совершенствования уголовной ответственности.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАМАЛОВА ДИЛДОРА ГАЙРАТОВНА**

**ЖИНОЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
УНИНГ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология.  
Жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Үу15 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаюсуп Ҳакимович Рустамбаев**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кабулов Рустам**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Турғунбоев Элбекжон Одилжонович**  
юридик фанлар номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 10 июль соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (845-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш. А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2018 йил 26 июнда тарқатилди.  
(2018 йил «26» июндаги 5-рақамли реестр баённомаси).

**Н.С.Салаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

**У.А.Тухташева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

**Г.З.Тулаганова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда рўй бераётган интеграция жараёнлари жиноятчиликка қарши курашиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жумладан, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, жамият фаровонлигига эришишнинг замонавий ва самарали тизимини йўлга қўйишни тақозо этмоқда. 2016 йилда жаҳон миқёсида 13 млн.га яқин шахс жиноят содир этганлиги, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ошганлиги<sup>1</sup> жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш, айрим жиноий қилмишларни декриминализация қилиш, тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашни либераллаштириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳонда тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонунларнинг тўғри қўлланилишини таъминлаш, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарликни дифференциация қилиш, айбдорларга тайинланадиган жазони индивидуаллаштириш, шахснинг фаол, ижобий, жиноятнинг олдини олишга қаратилган ҳуқ-атворини рағбатлантириш, миллий қонун ҳужжатлари ва қонунни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, жиноятга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари ва унинг учун жавобгарликни такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланиб, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилди, мазкур институт муайян даражада ривожлантирилди, хусусан, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун енгилроқ жазо тайинлаш амалиёти шакллантирилди. Ҳозирда тамом бўлмаган жиноят институтини унинг мезонлари ва хусусиятларини аниқлаштириш орқали такомиллаштириш, шунингдек улар ўртасида мавжуд зиддиятларни бартараф этиш, жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини либераллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда<sup>2</sup>. Тамом бўлмаган жиноятлар умумий жиноятчилик кўрсаткичида ўзига хос ўрин эгаллаб, жумладан, Тошкент шаҳрида 2013 йилда судланганларнинг 5,1%ни, 2014 йилда 4,5%ни, 2015 йилда 4,7%ни, 2016 йилда 4,3%ни, 2017 йилда 4,8%ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ

<sup>1</sup> www.unodc.org

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), «Жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) Қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жинойтга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари ва унинг учун жинойт жавобгарликни такомиллаштириш масаласи мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Қ.Р.Абдурасулова, О.Г.Зокирова, Р.Кабулов, А.А.Отажонов, М.А.Ражабова, М.Х.Рустамбаев, М.Усмоналиев, Э.О.Турғунбоев, А.С.Якубов ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда мавзунинг ўзига хос жиҳатлари Croline M.Pelser (Нидерландия), Dara Joy Watson (Янги Зеландия), Iann Leader Elliott (АҚШ), Giddeon Yaffe (Буюк Британия), John S.Strahorn (АҚШ), Mool Singh (Ҳиндистон)лар томонидан ўрганилган.

МДҲга аъзо мамлакатларда С.В.Чернокозинская жинойтга тайёргарлик кўришнинг жинойт-ҳуқуқий жиҳатлари, Т.Г.Жукова жинойтга тайёргарлик кўриш ва жинойт содир этишга суиқасд қилиш учун жинойт жавобгарликни белгилаш, В.Н.Некрасов тамом бўлмаган жинойтлар учун жинойт жавобгарликни дифференциация қилиш, М.В.Гринь, А.Ю.Решетников, Д.Ю.Поротиков, Г.В.Назаренко, М.П.Редин, А.И.Ситникова, Л.З.Тадевоян тамом бўлмаган жинойтларнинг назарий ва амалий жиҳатлари, А.П.Козлов, К.Т.Тедеев жинойт содир этиш босқичларининг назарий жиҳатларини<sup>1</sup> тадқиқ этган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, жинойтга тайёргарлик кўришга оид қонун нормалари самарадорлигини оширишга комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли мазкур масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда жинойтга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарликни

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

такомиллаштиришга қаратилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари, Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари, Жазони ижро этишга оид норматив ҳужжатларни ва жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш муаммолари ҳамда Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунини либераллаштириш шароитида жазо тизимини ислоҳ қилиш муаммолари каби илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жиноятга тайёргарлик кўришни таҳлил қилиш асосида аниқланган муаммоларнинг ечимини топиш ва қонунни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят содир этиш босқичларини илмий-назарий таҳлил этиш асосида унинг моҳиятини очиқ берувчи таърифни ишлаб чиқиш;

жиноят содир этиш босқичлари учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонунини нормаларини ретроспектив таҳлил қилиш;

миллий ва хорижий давлатлар тажрибасининг қиёсий таҳлили асосида тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив ва субъектив белгиларини аниқлаш, уларга тавсиф бериш;

жиноятга тайёргарлик кўришни квалификация қилиш масалаларини ўрганиш асосида суд амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

жиноятга тайёргарлик кўриш учун жазо тайинлаш самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** жиноятга тайёргарлик кўриш ва унинг учун жавобгарликни белгилаш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноятга тайёргарлик кўриш учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

энг кўп жазо деганда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси (модданинг қисми)да назарда тутилган ҳар қандай жазо турининг энг юқори

муддати ёки миқдори тушунилиши лозимлиги асосланган;

жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги асосланган;

озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши асосланган;

озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги узил-кесил жазо муддати йигирма беш йилдан, вояга етмаганларга — ўн беш йилдан, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ҳамда аёлларга нисбатан эса — ўн уч йил тўрт ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

содир этилган қилмишда жиноятга тайёргарлик кўриш таркибининг барча аломатлари мавжудлиги жиноятга тайёргарлик кўриш учун жинойий жавобгарликнинг асосини ташкил қилишига доир таклифлар ишлаб чиқилган;

тамом бўлмаган жиноят ва унинг турлари масаласига ойдинлик киритилиб, тамом бўлмаган жиноят шахсининг иродасига кўра охирига етказилмаган (жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш, жиноят содир этишга суиқасд қилиш) ва шахсининг иродасига кўра охирига етказилган жиноят (жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш)ни ташкил қилиши асослантирилган;

Жиноят кодексига жиноятга тайёргарлик кўриш учун жавобгарлик белгиловчи янги таҳрирдаги нормани киритиш таклифи асосланган;

жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида ёки қисмида назарда тутилган энг кўп жазонинг иккидан бир қисмидан ошмаслиги кераклиги асосланган;

биринчи марта жиноятга тайёргарлик кўрган вояга етмаган шахс жинойий жавобгарликдан озод қилиниши лозимлиги ҳақидаги таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот иши жиноятга тайёргарлик кўриш ва унинг учун жавобгарликни

такомиллаштиришга хизмат қилади. Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган ҳулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини тайёрлашда, ички ишлар ва прокуратура органлари фаолиятида, шунингдек жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш модулларини ишлаб чиқиш ва уларни юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини яхшилашда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида қўлланилишида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиноятга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари ва унинг учун жавобгарликни такомиллаштириш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун тайинланадиган жазо мазкур жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, бунда энг кўп жазо деганда, ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси (модданинг қисми)да назарда тутилган ҳар қандай жазо турининг энг юқори муддати ёки миқдори тушунилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 11-бандига ўзгартириш киритилишида фойдаланилган (2016 йил 31 октябрдаги 04/ПЛ-46-16-сон маълумотнома). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги қонунларни амалиётда қўллаш кўникмаларига ижобий таъсир кўрсатиб, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун одилона жазо тайинланишига кўмаклашади;

жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 2-бандига қўшимча киритилишида фойдаланилган (2016 йил 31 октябрдаги 04/ПЛ-46-16-сон маълумотнома). Ушбу таклиф жиноят содир этган шахсларни жазо қўлламасдан туриб ҳам тарбиялашга хизмат қилади;

озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчи шахсини инобатга олган ҳолда — ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаган ҳолатда қўлланилиши тўғрисидаги

таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 26-бандига қўшимча киритилишида фойдаланилган (2016 йил 31 октябрдаги 04/ПЛ-46-16-сон маълумотнома). Ушбу таклиф оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарлигини дифференциация қилиш, жазо тайинлашни индивидуаллаштиришга хизмат қилади;

озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги узил-кесил жазо муддати йигирма беш йилдан, вояга етмаганларга — ўн беш йилдан, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ҳамда аёлларга нисбатан эса — ўн уч йил тўрт ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 55-бандига қўшимча киритилишида фойдаланилган (2016 йил 31 октябрдаги 04/ПЛ-46-16-сон маълумотнома). Ушбу таклиф жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун тайинланиши мумкин бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатини чегаралашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 9 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 17 та илмий мақола (6 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Жиноят содир этиш босқичларининг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида жиноят содир этиш босқичлари тушунчаси ва унинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи; жиноят содир этиш босқичлари учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихи; тамом бўлмаган жиноят тушунчаси ва унинг жиноят-ҳуқуқий белгилари таҳлил қилинган.

Жиноят содир этиш босқичларининг тавсифи, ҳуқуқий белгилари, ижтимоий аҳамияти ва жазо тайинлашдаги аҳамияти атрофлича ўрганилган. Жиноят содир этиш босқичларининг жиноят ҳуқуқи назарияси ва жиноят қонунчилигидаги аҳамияти тадқиқ этилиб, мазкур тушунчага оид ёндашувлар ва мавжуд таърифлар ўрганиб чиқилган. Мазкур тушунчанинг тор ва кенг таърифи билан боғлиқ хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги кўрсатилган. Ўз навбатида, ҳозирги вақтда жиноят содир этиш босқичлари тушунчаси бўйича ягона ёндашув йўқлиги ҳамда унга аниқ илмий ва ҳуқуқий таъриф берилмаганлиги, унинг жиноят-ҳуқуқий сиёсат доирасида ҳуқуқий мақоми комплекс, тизимли ўрганилмаганлиги, жиноят содир этиш босқичларининг турлари юзасидан ягона қараш шаклланмаганлиги, шунингдек жиноят содир этиш босқичлари ва тамом бўлмаган жиноятларнинг ўзаро фарқли жиҳатларига лозим даражада эътибор берилмаётганлиги, биринчи навбатда, жиноят содир этиш босқичларининг ягона таърифини ишлаб чиқиш зарурлиги, жиноий ниятнинг ривожланганлик даражаси, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг хусусияти ва жиноятнинг охирига етказилмаганлигига кўра турларга ажратиш лозимлиги, жиноят содир этиш босқичларининг назарий қоидаларни татбиқ этиш ва жиноят қонунчилигини амалда қўллашда жиноят ҳуқуқининг қатор институтлари билан узвий боғлиқлиги алоҳида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги ривожланишида жиноят содир этиш босқичлари, хусусан, жиноятга тайёргарлик кўрганлик, жиноят содир этишга суиқасд қилганлик ва тамом бўлган жиноят учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг вужудга келиши ва ривожланиши ретроспектив таҳлил қилиниб, бешта даврга ажратилиб, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари комплекс равишда ўрганилган.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, жиноят содир этиш босқичларига қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: *«Жиноят содир этиш босқичлари – тўғри қасддан содир этиладиган шахс жиноий ниятининг ривожланганлик даражаси, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг хусусияти ва жиноятнинг охирига етказилмаганлигига кўра фарқланувчи жиноятларнинг муайян даври»*дир.

Диссертант жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят содир этиш босқичлари бир нечта мезонлар асосида турларга ажратилишини таъкидлаб, муаллифлик нуқтаи назаридан ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этиш хусусияти ва жиноий ниятнинг ривожланиш даражасига қараб: 1) жиноий ниятнинг шаклланиш босқичи; 2) жиноий ниятнинг намоён бўлиш босқичи; 3) жиноий ниятни амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш (жиноятга тайёргарлик кўриш) босқичи; 4) ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш босқичи (жиноят содир этишга суиқасд қилиш); 5) ихтиёрий қайтиш (жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш) босқичи; 6) тамом бўлган жиноят босқичи (ижтимоий хавфли оқибат юз бериши ёки ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш)га ажратилган.

Ушбу таснифга кўра, жиноят содир этиш босқичларининг ҳуқуқий оқибати шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлашда намоён бўлиши, жиноят қонунчилигининг превентив жиҳатларини кучайтириш

мақсадида жиноят содир этиш босқичларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятларни профилактика қилишда алоҳида аҳамиятга эга деган хулосага келинган.

Муаллиф тамом бўлмаган жиноят ва жиноят содир этиш босқичлари ўртасида айрим зиддиятлар мавжудлигини кўрсатиб, улар ўзаро боғлиқ жиноят-ҳуқуқий категориялар ҳисобланиши, жиноят содир этиш босқичлари шахснинг жиний ниятини амалга оширишнинг муайян даври сифатида тушунилиши, тамом бўлмаган жиноят эса шахс жиний ниятини амалга ошириш вақтида унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноят содир этишнинг муайян босқичида тўхатилган ижтимоий хавфли қилмиш эканлигини асослантирган.

Тадқиқотчи тамом бўлмаган жиноят тушунчасига тўхталар экан, унинг икки хил жиноят-ҳуқуқий белгиларини қайд этган: 1) умумий белгилар (ижтимоий хавфлилик, айбилик, ҳуқуққа хилофлилик, жавобгарликка асос бўлиши); 2) махсус белгилар – объектив ва субъектив элементлар йиғиндиси. Шу маънода *тамом бўлмаган жиноят деганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга реал хавф тугдирадиган, қонунга хилоф, жазога сазовор ва қасддан содир этиладиган жиноятга тайёргарлик кўриши, жиноят содир этишига суиқасд қилиши, жиноятдан ихтиёрий қайтишдан иборат ижтимоий хавфли қилмиш тушунилади.*

Муаллиф ЖКда тамом бўлмаган жиноят ва унинг турлари масаласига аниқлик киритилиши, мазкур институтнинг ҳуқуқий таърифи қонунда мустаҳкамланиши лозимлигини таҳлил қилган ҳолда, *шахснинг иродасига кўра охирига етказилмаган (жиноят содир этишига тайёргарлик кўриши, жиноят содир этишига суиқасд қилиши) тамом бўлмаган жиноят ва шахснинг иродасига кўра охирига етказилган тамом бўлмаган жиноят (жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши)га ажратиш ҳақидаги хулосага келган. Қайд этилганлардан келиб чиқиб, ЖКни тамом бўлмаган жиноятларнинг ҳуқуқий табиатига доир янги таҳрирдаги 25-модда билан тўлдирилиши қонунни қўллаш амалиётига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида хулоса қилинган.*

Диссертациянинг «**Жиноятга тайёргарлик кўришнинг жиноят-ҳуқуқий таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчаси ва унинг учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, жиноятга тайёргарлик кўришнинг жиноят таркиби элементларига кўра таҳлили, жиноятга тайёргарлик кўриш турлари ва шакллариининг жиноятлар квалификациясига таъсири, моддий, формал ва кесик таркибли жиноятларга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари таҳлил қилинган.

Муаллиф жиноятга тайёргарлик кўришнинг ҳуқуқий табиатини ўрганиш ва таҳлил этиш мақсадида жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчасига олимлар томонидан билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда учта гуруҳга ажратиб ўрганган. Биринчи гуруҳдаги олимлар томонидан жиноятга тайёргарлик кўришда амалга оширилган қилмиш ижтимоий хавфли ва қонунда тақиқланганлиги инобатга олинмаганлиги, иккинчи гуруҳдагилар томонидан жиноятга тайёргарлик кўришнинг субъектив белгиси эътибордан четда қолганлиги, учинчи гуруҳдагилар эса жиноятга тайёргарлик кўришда жиноят содир этиш бевосита бошланганлиги ва ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир

этилиши мумкинлиги алоҳида қайд этилган.

Ишда жиноят таркибининг алоҳида аҳамияти, унинг жиноятларни квалификация қилиш, жумладан, жиноятга тайёргарлик кўриш учун жиноий жавобгарликка тортишда устувор эканлигини ҳисобга олиб, жиноятга тайёргарлик кўришнинг объекти қатор хусусиятлар билан тавсифланиши кўрсатилиб, жиноятга шарт-шароит яратиш натижасида бевосита зарар етказиш хавфи мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар эканлиги асослантирилган. Диссертант амалдаги қонун ҳужжатларини ўрганиш ва олимлар фикрларининг таҳлили натижасида жиноятга тайёргарлик кўриш таркиби ўзига хос (мустақил) объектив томонга эгаллиги, бунда жиноятни содир этиш бевосита бошланмаган, жиноий тажовуз амалга оширилмаганлиги билан ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқланиши қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, ЖКнинг 16-моддасини жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд учун жиноий жавобгарлик асосига оид қисм билан тўлдириш таклиф этилган.

Жиноят охирига етказилмаганлиги сабабларининг тўғри аниқланиши жиноятга тайёргарлик кўришни жиноятдан ихтиёрий қайтишдан фарқлашга хизмат қилганлиги учун қилмишни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш вақтида аниқланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятни охирига етказилмаганлик ҳолатлари комплекс таҳлил қилиниши натижасида объектив ва субъектив сабабларга ажратилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Жиноятга тайёргарлик кўраётган шахс жиноят содир этиш ёки яширишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаши, жиноятга шароит яратиш натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришига кўзи етиши ва жиноий оқибат юз беришини истаб, шарт-шароит яратилганлиги боис жиноятга тайёргарлик кўришнинг субъектив томони айбнинг тўғри қасд шакли орқали намоён бўлади. Шу муносабат билан жиноятга тайёргарлик кўришнинг айблилик белгиси қонунда алоҳида кўрсатиш таклифи асосланган.

Диссертацияда олимларнинг қарашлари, ЖК Махсус қисми нормаларининг таҳлили, ўрганилган суд ҳукмлари натижасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали жиноятга шароит яратиш мумкинлиги исботланган.

Диссертант ЖК 25-моддаси 1-қисмида жиноятга тайёргарлик кўриш тушунчасининг мазмунидан келиб чиқиб, жиноятга тайёргарлик кўриш шакллари назарда тутилган бўлиб, уларнинг мазмуни, жиноятларни квалификация қилишда айнан қандай тартиб-таомилларга эътибор қаратилиши тўғрисида раҳбарий кўрсатмалар берилмаганлигини таъкидлаб, жиноят қонунчилигида ҳар бир шаклнинг мазмуни акс эттирилиши ва алоҳида эътибор қаратилиши лозим деган хулосага келган. Бинобарин, ЖКда жиноятга тайёргарлик кўришнинг барча шакллари тўлиқ келтирилмаган бўлиб, қонун нормасини таҳлил этиш асосида жиноят содир этиш ёки яширишга шароит яратувчи қилмиш эканлиги аниқланди ва қуйидагича таъриф берилди:

*Жиноят содир этиш учун шароит яратиш* деганда, жиноий режа тузиш, жиноят қуроли, воситасини тайёрлаш, мослаштириш, излаш, жиноят иштирокчиларини излаш, улар билан тил бириктириш ва бошқа қилмишлардан таркиб топиши асослантирилди.

*Жиноятни яшириш учун шароит яратиш* деганда, жиноят содир этилганидан сўнг жиноий жавобгарликдан қутилиш имкониятини яратиш ёки жиноят содир этган шахсни яширишга қаратилган фаолият бўлиб, бунда жиноят иштирокчисига жиноятни яшириш учун руҳий ёки жисмоний кўмаклашишдан иборатлиги аниқланди. ЖКда жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир этиш ёки яширишга қаратилган қилмиш сифатида умумий тарзда ифодаланганлиги жиноятга тайёргарлик кўришни жиноят содир этишга суиқасд қилиш ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан ўзаро фарқланмаслиги ўз навбатида жиноий жавобгарликнинг нотўғри белгиланишига олиб келиши исботланган. Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун ЖК 25-моддаси 1-қисмида мустақамланган жиноятга тайёргарлик кўриш ва унинг учун жавобгарликка оид норма қайтадан кўриб чиқилиб, жиноятга тайёргарлик кўриш шакллари тўлиқ акс эттирилиши лозимлиги асослантирилган. Жиноятга тайёргарлик кўриш шакллари алоҳида таҳлил қилиниб, амалий мисоллар орқали квалификация қилишдаги аҳамияти баён этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКда жиноятга тайёргарлик кўриш ва унинг учун жавобгарлик масаласига бағишланган нормани янги таҳрирда баён этиш таклиф этилган.

Тадқиқотда жиноятга тайёргарлик кўришнинг турларга ажратилиши содир этилган тайёргарлик кўришнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда, жиноий жазони индивидуаллаштиришда аҳамият касб этиши эътиборга олиниб, унинг мезони сифатида объектив ва субъектив белгилар ҳамда содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг хусусияти белгиланиши лозим деган хулосага келинган. Шу муносабат билан жиноятга тайёргарлик кўриш учун жазо тайинлашда жиноятни охиригача етказилмаганлик ҳолатлари қаторига жиноятга тайёргарлик кўриш турлари киритилиши мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

Диссертант томонидан моддий, формал ва кесик таркибли жиноятларга тайёргарлик кўришнинг ўзига хос хусусиятлари атрофлича таҳлил қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинган: 1) ҳаракат орқали содир этиладиган моддий таркибли жиноятларга тайёргарлик кўришнинг барча шакллари, ҳаракатсизлик орқали содир этиладиган моддий таркибли жиноятларда тайёргарликнинг «қасддан бошқа шароит яратиш» шакли мавжуд бўлиши; 2) ҳаракат орқали содир этиладиган формал таркибли жиноятларга тайёргарлик кўриш мумкинлиги, шу билан бирга ҳаракатсизлик ҳам истисно этилмаслиги; 3) ҳаракат орқали содир этиладиган формал таркибли жиноятларда жиноятга тайёргарлик кўришнинг жиноят қуроли ва воситасини излаш, тайёрлаш, мослаштириш шакли мавжуд бўлмаслиги, жиноят иштирокчиларини излаш ва «қасддан бошқа шароит яратиш» шакли мавжуд бўлиши; 4) ҳаракатсизлик орқали содир этиладиган формал таркибли жиноятларда «қасддан бошқа шароит яратиш» шакли мавжудлиги ҳамда кесик таркибли жиноятларда тайёргарликнинг барча шакллари бўлиши изоҳланган.

Диссертациянинг «**Жиноятга тайёргарлик кўриш учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш ва айрим хорижий давлатлар тажрибаси**» деб номланган учинчи бобда жиноятга тайёргарлик кўришни

квалификация қилиш, айрим хорижий давлатлар ЖКда жиноятга тайёргарлик кўриш учун жавобгарликнинг хусусиятлари ҳамда жиноятга тайёргарлик кўриш учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш истиқболлари таҳлил қилинган.

Мамлакатимиз ЖКда жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ЖК Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарлик белгилловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади. Суд амалиёти материаллари таҳлиliga кўра, тамом бўлмаган жиноятларни квалификация қилиш жараёнида ЖК 25-моддасини кўрсатиш билан кифояланиб, унинг тегишли қисмлари кўрсатилмаётганлиги қайд этилган. Боиси жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш тушунчалари битта моддада келтирилганлиги ва бир хил жазо тайинланиши уларни ажратиш, ўзаро фарқлаш заруратини юзага келтирмайди. Шунинг учун тадқиқотчи томонидан жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасдни квалификация қилишда ЖКнинг тегишли нормаларига – жиноятга тайёргарлик кўриш (25<sup>1</sup>-модда), жиноят содир этишга суиқасд қилиш (25<sup>2</sup>-модда) ҳавола қилиниши лозимлиги асослантирилди.

Тадқиқотчи томонидан жиноятга тайёргарлик кўришни жиноят содир этишга суиқасд қилишдан фарқловчи мезонлари ишлаб чиқилди. Хусусан, жиноят содир этиш учун шароит яратиш (жиноятга тайёргарлик кўриш) ва жиноятни бевосита содир этиш (жиноятга суиқасд қилиш) ўртасидаги фарқ ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси диспозициясидан келиб чиқиш лозимлиги асослантирилган. Бунда шахс томонидан тамом бўлган жиноят объектив томони таркибига кирувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш бошланганлиги, одатда, уларни жиноят содир этишга бевосита қаратилганлигини англатади. Шунинг учун жиноят содир этиш имкониятини юзага келтирадиган қилмишни амалга ошириш жиноятга тайёргарлик кўриш таркибини ҳосил қилади деган хулосага келинган. Бундан ташқари, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жиноятни бевосита содир этишга қаратилганлиги ҳар бир ҳолатда алоҳида кўриб чиқилиши, ЖК Махсус қисми тегишли моддаси диспозициядаги жиноятнинг қандай тарзда ифодаланганлигидан келиб чиқиб, тайёргарлик ва суиқасд ўртасида чегара белгиланиши, бунда жиноят-ҳуқуқий норманинг шарҳланиши алоҳида аҳамиятли эканлиги таъкидланган. Юқоридаги масалалар юзасидан ягона амалиётни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларига ўзгартириш киритиш таклиф этилган.

Мамлакатимиз ЖКда айрим жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти юқорилиги эътиборга олиниб, қонун чиқарувчи томонидан жиноятга шароит яратиш босқичида содир этилган қилмиш тугалланган жиноят сифатида белгиланганлиги, жиноятга тайёргарлик кўриш учун жиноий жавобгарликка тортишда ЖК 25-моддасига ҳавола қилинмаслиги асослантирилиб, қонун нормасидаги коллизияни бартараф этиш мақсадида *ЖК Махсус қисмида жиноятга тайёргарлик кўриш тамом бўлган жиноят сифатида назарда тутилган қилмишлар бундан мустасно* деган мазмундаги жумла билан тўлдириш таклиф этилган.

Жаҳонда жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жиноий жавобгарлик ва

жазо тайинлаш юзасидан ягона тажриба мавжуд эмаслиги, лекин миллий хусусиятларнинг турфа хиллиги билан, кўпгина мамлакатлар учун умумий бўлган асосий белгиларни аниқлаб олиш мумкинлиги эътиборга олиниб, жиноятга тайёргарлик кўриш учун жавобгарлик белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормалар манбалари ва ҳуқуқ тизимларининг алоҳида турлари (роман-герман, англо-саксон ва МДХ мамлакатлари жиноят қонунчилиги)дан келиб чиқиб, иккита гуруҳга ажратилиб таҳлил қилинган.

*Биринчи гуруҳга* кирувчи давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Франция, ГФР)нинг жиноят қонунчилигини ўрганиш асосида тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонунларининг ўзига хос хусусияти сифатида жиноятга тайёргарлик кўриш учун жинойий жавобгарлик назарда тутилмаганлиги, жиноятга тайёргарлик кўришнинг айрим шакллари жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши ва шунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади деган хулосага келинган.

*Иккинчи гуруҳдаги* давлатлар (МДХ давлатлари – Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Украина ҳамда Грузия) жиноят қонунчилигини ўрганиш натижасида жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун тайинланадиган жазо муддати ва миқдори ўзаро фарқланиши аниқланган. Натижада Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарлик ва жазо тайинлашга оид нормасига тегишли ўзгартириш киритиш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертант жиноят ҳуқуқи назариясида тамом бўлмаган жиноят учун жавобгарликни дифференциация қилиш юзасидан бир нечта ёндашувлар мавжудлигини таъкидлаб, *жиноятга тайёргарлик кўриш учун жинойий жавобгарликнинг беш моделини ажратиб кўрсатган*: 1) жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятидан қатъи назар, тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарлик белгиланган модель; 2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларга тайёргарлик учун жинойий жавобгарлик истисно этилиб, маъмурий жавобгарлик белгиланган модель; 3) оғир ва ўта оғир жиноятларга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарлик белгиланган модель; 4) ЖК Махсус қисмидаги айрим турдаги жиноятларга тайёргарлик кўрганлик тамом бўлган жиноят сифатида белгиланган модель; 5) ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаларида «мазкур жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жинойий жавобгарлик келиб чиқади», деган мазмундаги нормани киритиш орқали жавобгарлик белгиланган модель.

Ушбу таснифга кўра, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида ҳам ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмаган муайян турдаги жиноятларга тайёргарлик кўрганлик декриминализация қилиниши лозим деган хулосага келинган.

Муаллиф тамом бўлган жиноят тамом бўлмаган жиноятдан жиноят таркибининг элементлари, жинойий оқибат юз бермаганлиги ва шунга мувофиқ равишда ижтимоий хавфлилик хусусиятига кўра фарқланишини таҳлил этиш натижасида *икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиб, улардан бири жиноятга тайёргарлик кўриш, бошқаси эса тамом бўлган жиноят бўлган ҳолларда тақроран жиноят сифатида баҳоланмаслиги лозим* деган хулосага

келган. Шунинг учун такроран жиноят содир этилиб, улардан лоақал биттаси тамом бўлмаган жиноят (жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноятга суиқасд қилиш) бўлса, жиноятлар мажмуи деб топилиши мақсадга мувофиқлигини қайд этган.

Тадқиқотчи томонидан жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жазо тайинлаш масаласи хусусида атрофлича тўхталиб, қуйидаги хулосаларга келинган: 1) «Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш» деб номланган ЖК 58-моддасини такомиллаштириш ва бир-биридан тубдан фарқ қилувчи мазкур институтлар учун жазо тайинлаш қонунини алоҳида нормада акс этиши лозимлиги қайд этилди; 2) ЖК 8, 58-моддаларида қўлланилган «жиноятнинг оғир-енгиллиги» тушунчаси ўрнига «жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти» тушунчасининг қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги исботланди; 3) ЖК 58-моддасида жиноятга тайёргарлик кўрганлик ёки жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун муайян жазо чораси тайинланиши шарт эмаслиги, балки жазонинг максимал муддати ёки миқдори камайтирилиши белгиланганлиги энг кўп жазонинг фақат максимал муддатини камайтиришга, айрим ҳолларда эса тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлар учун бир хил жазо тайинланишига олиб келаётганлиги ҳамда мазкур ҳолат ЖК 58-моддасининг ҳуқуқий аҳамиятини инкор этаётганлиги аниқланди. Қонундаги бундай бўшлиқни бартараф этиш мақсадида *жиноятга тайёргарлик кўрганлик ёки жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ҳар бир жазонинг энг кўп муддати ёки миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши лозим*, деган таклиф ишлаб чиқилди; 4) жиноятга тайёргарлик кўрганлик ёки жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдорини белгилашда қилмиш квалификация қилинган модданинг айнан тегишли қисмида назарда тутилган жазо муддати (миқдори)дан келиб чиқиб ҳисобланиши зарурлиги қайд этилди. Шунга мувофиқ, *ЖК 50-моддаси 6-қисми, 57<sup>1</sup>-моддаси 1-қисмига ўзгартириши киритиши* юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди; 5) суд амалиёти материаллари таҳлили натижасида аксарият ҳолларда, тамом бўлмаган жиноятлар учун ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда, енгилроқ жазо тайинланиб, ЖК 58-моддасининг қоидалари инobatга олинмаётганлиги қайд этилди. Шунинг учун «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 39-банди қуйидаги мазмундаги *«Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ёки жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун ҳам ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда, енгилроқ жазо тайинланганда, ЖК 58-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қоидалар алоҳида инobatга олинмиши лозим»* деган мазмундаги қисм билан тўлдирилиши таклиф этилган; 6) жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят қонуни билан кўрикланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилмаганлиги, балки зарар етказишнинг реал хавфи вужудга келганлиги, жиноят содир этиш бевосита бошланмаганлиги, ҳатто ЖК Махсус қисм диспозициясида ифодаланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бажарилмаганлиги билан тавсифланади ва айнан шу хусусиятлар билан жиноятга суиқасд қилишдан фарқланиши таҳлил қилинди. Юқоридагидан келиб чиқиб, *жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори*

*ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг иккидан бир қисмидан ошмаслиги* таклиф этилган; 7) вояга етмаганлар учун жазо тайинлаш жазо чораларининг енгиллиги, мажбурлов чораларини қўллаш орқали жавобгарликдан озод қилиш имкониятининг мавжудлиги, қўлланилаётган жазолар жиноят содир этишнинг олдини олишга қаратилганлиги билан ажралиб туриши қайд этилган. Шунинг учун вояга етмаганларнинг жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарлик масаласи либераллаштирилиши, хусусан, *биринчи марта жиноятга тайёргарлик кўрган вояга етмаган шахсга нисбатан жазо қўлламасдан, тарбиявий таъсир кўрсатувчи чораларни қўллаш* имкониятларини кенгайтириш таклиф этилган.

## ХУЛОСА

Жиноятга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари ва унинг учун жавобгарликни такомиллаштириш диссертация тадқиқот натижасида умумназарий хулосалар, жиноят қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1. Жиноят содир этиш босқичлари тўғрисидаги қонун нормаларининг ривожланиш тарихий жараёнларини бешта даврга, яъни қадимги давр (Авесто), шариат нормалари амал қилган давр (VIII асрдан XIX асрнинг 50-йилларигача) Чор Россияси мустамлакачилиги даври (XIX асрнинг 50-йиллари ва XX асрнинг 20-йиллари), собиқ Иттифоқ даври, (1922 йилдан 1994 йилгача) ҳамда мустақиллик даври (1994 йил 22 сентябрдан ҳозирга қадар) ажратилди.

2. Жиноят содир этиш босқичлари шахс жинойий ниятининг ривожланганлик даражаси, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг хусусияти ва жиноятни охирига етказилмаганлик вақтига кўра фарқланувчи тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларнинг муайян даврлари.

